
“БИР КОНТУР – БИР МАҲСУЛОТ” ТАМОЙИЛИ БИЛАН ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚИЛИШ ФАРФОНАДА САЛМОҚЛИ ДАРОМАД ҚАФОЛАТИ БЎЛМОҚДА

Ернинг ҳақиқий эгаси — халқ! Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ва тегишли қарорлари билан юртимиизда ишсиз аҳолига қишлоқ хўжалиги ерларини 10 йил муддатга дехқончилик билан шуғулланиш учун ижарага бериш тартиби жорий қилинди. Ушбу йўналишда вилоятимизда ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Бунинг учун вилоятда жами 4863 гектар ер майдонлар ажратилган бўлиб, ҳозирда 4242 гектардан зиёд майдон “e-auksion” дастури орқали 32 190 нафардан ортиқ фуқаролар томонидан очик танловда ютиб олинди. Эндиликда танловларда ғолиб бўлган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган оиласлар, расмий ишсизлар ҳамда алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқаролар бу ерларларда дехқон хўжалиги юритиш имконига эга бўлишди.

Эътиборлиси, “Бир ҳудуд – бир маҳсулот”, “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида ҳудудларда тупроқ иқлим шароити, фуқароларнинг дехқончилик маданияти, маҳсулот сотиб олувчи кластер, кооперациялар, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналарнинг маҳсулот турига бўлган талаби ҳамда ички истеъмол бозорларида аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалик экинлари жойлаштирилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича 1481 гектар майдонда картошка, 1665 гектар майдонда сабзавот, 442 гектар майдонда дуккакли экинлар экилаётган бўлса, қолган майдонларда полиз ва мойли маҳсулотлар ҳамда бошқа турдаги экинларни етиштириш амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари 171 гектар майдонда мевали, ток ва манзарали кўчатлар етиштириш режалаштирилган.

Фуқароларга дехқон хўжалиги юритиш учун ажратиб берилаётган ер майдонлари, экин туридан келиб чиқиб уруғлик, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар етказиб бериш учун 35 та кластерлар, 38 та кооперациялар, 51 та “Томорқа хизмати” МЧЖлар ҳамда йирик экспортёр корхоналарга бириктириб берилган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг

[Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-04-21 11:47:24